



14.11.2022 даги

JEYNOV FAVVORASI MCHJ ва Миришкор туман хокимлиги Давлат жамгармаси (Фонд 3051) ўртасида
8980000,00 сўм умумий суммага тузилган 12 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб
Шахсий газна ҳисобварақ

018

305122860102337109602018001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4821190			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	8 980 000,00			8 980 000,00
Декабрь				
Жами йил бўйича	8 980 000,00			8 980 000,00

Жами 8980000,00 сўм

Саккиз миллион тўққиз юз саксон минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2694000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги _____ % жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Сариков Анвар Азаматович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Арзикулов Хамза
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » 20 _____ й.

« _____ » 20 _____ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 12

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман ҳокимлиги устав асосида иш кўрувчи А.Сариков бир томондан ва «Жейнов Фаввораси» МЧЖ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган низом асосида иш кўрувчи К.Жумаев ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

14.11.2022 йил

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2021 йил 48-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 8980000 сум (Саккиз миллион туккиз юз саксон минг) сум ни ташкил этади (сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

___ - иловага мувофиқ қуридиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ___-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига ___-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомда Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:
миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;
кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради. Шартномани амал қилиш муддати 2021 йил 31- декабр гача
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ___ кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фоизи миқдорда аванс ўтказади, бу 2694000 сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;
объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорда;
мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорда, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга ривож этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлиқ белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлиқ белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландлиқлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитекткурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратadbирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ___ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи:
барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишини;
объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида ___ ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати қамида ___ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

52. Буюртмачи:
шартнома кучга киргандан кейин курилишининг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
53. Пудратчи:
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ___ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги лозим.
Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.
60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг ___ фоизи миқдорига жарима тўлайди.
61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ___ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги лозим.
Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг ___ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги керак.
Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.
62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектуручилиш назорат" инспекциясининг ҳулъасаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ___ фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.
63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.
64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
67. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устама олиши мумкин.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

**XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

Буюртмачи:

Миришқортуман ҳокимлиги
Манзил: Янги миришқор шаҳарчаси.
тел: факс.652-14-65
ШХВ 305122860102337109602018001
ИНН: 200701260
ОКОНХ: 97600
Молия вазирлиги газначилик ягона газна
ҳисоб варағи.
Х/Р: 23402000300100001010
Банк номи: Тошкент Марказий банки ХККМ
МФО: 00014 : ИНН: 201122919

Раҳбар:

А.Сариқов



Пудратчи:

«Жейнов Фаввораси» МЧЖ
Манзил; Миришқор туман Жейнов шаҳарчаси
Телефон: 93 512 49 53
Х/р: 20208000200913082001
Банк номи: Узсаноат қурилиш банк
МФО: 00440 ИНН 305722030

Раҳбар:

М.У.

имзо.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

YV8575464301

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi 8.980.000 so`mlik**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mirishkor tumani Oila va xotin qizlar bo'limi tomonidan 22.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirishkor tuman
yuridik markazi
markaz rahbari:**



M.K.SIROJOV

24.11.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 173916 на приобретение Текущий ремонт жилого дома Эшбоева Гулсанам в МФЙ Айзабод Миришкорского района

Способ проведения электронный

Дата 08.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 21:59

Закупочная комиссия Миришкор туман хокимлиги аёллар дафтари, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Рахбар	Миришкор Туман Хокимлиги
Секретарь комиссии	Тошматов ШавкатХасанович	Котиб	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	Арзикулов Хамза xxx	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	Чуллиев Улаш Муродович	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Комиссия аъзоси	Миришкор туман Хокимлиги
Член комиссии	TOSHOV AKMALJON BEKNAZAROVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.11.2022 года № лота 173916.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Текущий ремонт жилого дома Эшбоева Гулсанам в МФЙ Айзабод Миришкорского района
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	8 997 747.00
Стартовая сумма	8 997 747.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

JEYNOV FAVVORASI MCHJ	8 997 747.00	8 980 000.00 UZS	8 980 000.00	00.00	8 980 000.00	07.11.2022 17:50:34	30
FAVVORA EXCELLENT MCHJ	8 997 747.00	8 990 000.00 UZS	8 990 000.00	00.00	8 990 000.00	08.11.2022 16:55:59	29.96663

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	66.5	30	96.5
FAVVORA EXCELLENT MCHJ	49	29.96663	78.96663

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 173916 от 08.11.2022 года на приобретение Текущий ремонт жилого дома Эшбоева Гулсанам в МФИ Айзабод Миришкорского района определила победителем:

JEYNOV FAVVORASI MCHJ
305722030

и резервный исполнитель: FAVVORA EXCELLENT MCHJ (300982242)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	Арзикулов Хамза xxx	Согласен	
Член комиссии	Чуллиев Улаш Муродович	Согласен	
Член комиссии	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП